Ўзбекистон Асаларичилари
уюшмаси таъсисчиларининг
2017 йил 5 декабрдаги умумий
йигилишида қабул қилинган

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги томонидан
2018 йилнинг «25» Май да
816-рақам билан
давлат руйхатига олинди

Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси
УСТАВИ

Тошкент шаҳри – 2018 йил

1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. **Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси** (кейинчалик матнда **«Уюшма»** деб юритилади) нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, асаларичилик соҳасига тааллуқли ва асаларичилик соҳаси билан шуғулланувчи субъектларни ихтиёрийлик асосида бирлаштиради ҳамда уюшма аъзоларининг хоҳиши, ўз-ўзини бошқариш, қонунчилик ва ошкоралик асосида тузилиб, иш олиб боради. Унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли уюшмадир.

1.2. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.3. Уюшманинг номланиши қуйидагича:

- ўзбек тилида (кирилл алифбоси): **Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси;**
- ўзбек тилида (лотин алифбоси): **O'zbekiston asalarichilari uyushmasi;**
- рус тилида: **Ассоциация пчеловодов Узбекистана;**
- инглиз тилида: **Association of Uzbekistan Beekeepers.**

1.4. Уюшманинг фаолият кўрсатиш муддати чегараланмаган. Уюшма Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатади.

1.5. Уюшманинг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 40-уй.

2. УЮШМАНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Уюшманинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасида асаларичилик соҳасини ривожлантириш.

2.2. Уюшма ўз мақсадларига эришиш учун қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- асаларичилик тармоғини ривожлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- асаларичилик тармоғини ривожлантириш дастурларини амалга оширишни мувофиқлаштириш, ягона илмий-техника, технологик, инвестиция ва экспорт сиёсатини амалга оширишни мувофиқлаштириш;

- маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда асаларичилик хўжаликларини ўрмон фонди ерларига, тоғ ва тоғолди ҳудудларига, табиий пичанзор ва яйловларга ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларига жойлаштиришни амалга ошириш;

- асаларилар учун сунъий озуқалар ишлаб чиқаришни марказлашган ҳолда ташкил этишга кўмаклашиш ва ушбу тажрибани кенг қўллаш ҳисобига асаларичилик хўжаликларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш;

- асалари касалликларининг олдини олиш, даволаш ва ташхис қўйиш бўйича замонавий ва илғор усулларни жорий этиш ишларига кўмаклашиш;

- олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, шу жумладан хорижий муассасаларда асаларичилик тармоғига кадрлар тайёрлаш. қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда иштирок этиш.

- Ўзбекистон республикасидаги асаларилар орқали қишлоқ хўжалик экинларини чанглатиш, асаларичилик маҳсулотларини етиштириш, уларни қайта ишлаш ҳамда экспорт қилиш билан шуғулланувчи субъектларни ва уюшма аъзоларини бирлаштириш, уларни қўллаб-қувватлаш;

- асаларичилик субъектлари, уюшманинг ходим ва мутахассисларини соҳага оид билимларини ошириш, ўқишлар, кўргазма ҳамда семинарлар ташкиллаштириш;

- уюшма аъзолари фаолиятига ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, уларни бартараф қилиш бўйича ваколатли органларга таклифлар тайёрлаш ҳамда ўз ваколати доирасида тадбирларни амалга ошириш;

- уюшма аъзоларининг иқтисодий ривожланишига, жумладан, асаларилар орқали (чанглатиш) агротехника усулини кенг қуллаш, улар томонидан етиштирилаётган, қайта ишланаётган ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифатини оширишга, ушбу маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларга тарқатилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

- асалари оилалари ва асалари пакетлари, мўмпарда, асаларичиликка оид жиҳозлар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи ва асални қайта ишлаш ва қадоқлаш ишлари билан шуғулланувчи тизимларини ташкил этишга кўмаклашиш;

- уюшма аъзоларига маҳсулотларни сотиш, экспорт қилиш, божхона расмийлаштирувлари ва бошқа йўналишларда назарий ва амалий ёрдам бериш;

- уюшма аъзоларининг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан, жумладан, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро иқтисодий алоқалар ўрнатишларида ҳамда ушбу алокаларнинг ривожланишида кўмаклашиш;

- уюшма аъзоларининг асаларичилик соҳасидаги билим ва тажрибаларни ўрганишларида ҳамда уларни амалда қўллашларида кўмаклашиш, чет элдаги шу каби фаолият билан шуғулланувчилар билан ўзаро тажриба алмашиш тадбирларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

- асаларичилик соҳасида зарур бўладиган йўналишлар ва соҳалар бўйича умумий маълумотлар базаларини ташкил этиш ва доимий ривожлантириб бориш;

- уюшма аъзолари учун ўқув қўлланмалар, маълумотлар тўпламлари ва бошқа шу каби ноширлик маҳсулотларини тайёрлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ахборотлар бериш;

- асаларичилик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

- шунингдек, уюшманинг асосий мақсадларидан келиб чиқувчи ҳамда тадбиркорлик ва эркин бозор иктисодиётини ривожлантиришга қаратилган, амалдаги қонун ҳужжатларида руҳсат этилган бошқа вазифалар ва фаолиятларни амалга ошириш.

3. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ

3.1. Уюшма амалдаги қонунларда белгиланган тартибда давлат рўйҳатидан ўтгандан сўнг юридик шахс деб эътироф этилади. Ўз номига, мустақил балансига, банк ҳисоб рақамига, думалок муҳрига, бурчак тамғасига, ўз номи акс эттирилган иш коғозларига ва бошқа белгиларига эга бўлади.

3.2. Уюшма ўз номидан бошқа корхона, ташкилот, муассаса ва жамоат бирлашмалари билан ҳуқуқий муносабатларга киришади, мулкий ва номулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўлади.

3.3. Уюшма ўз мажбуриятлари бўйича фақат ўз мулки билан жавоб беради. Давлат уюшма мажбуриятлари юзасидан, шунингдек, уюшма давлат мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас.

3.4. Муассислар ва ҳомийлар томонидан берилган, уюшма ўз фаолияти натижасида эришган мол-мулклар ва маблағлар уюшма мулки хисобланади. Уюшма ўз муассисларининг мажбуриятлари юзасидан, муассислар ҳам уюшма мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

3.5. Уюшманинг фаолияти натижасида олинган даромадлари (фойдаси) фақат уюшманинг Уставида белгиланган мақсадлар учун йўналтирилади.

4. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. **Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ўз аъзоларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;
- жамоат ҳаётининг турли масалалари бўйича ташаббуслар билан чиқиш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига таклифлар билан мурожаат қилиш;
- республика ҳудудида ҳамда бошқа мамлакатларда корхона, фирма ва ташкилотлар тузиш, ўз ваколатхоналарини очиш;
- ўз белгиларини таъсис этиш;
- ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган йиғилишлар ва конференциялар ташкил этиш;
- ўзига қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиб, мол-мулкдан фаолиятида белгиланган мақсадларда фойдаланади;

- ахборотлар ва маълумотлар олиш, эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва шундай имкониятларни бериш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз Устав мақсадларига мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;

- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзининг нашр органлари ва бошқа оммавий воситаларини ташкил қилиш;

- ўзининг мақсадлари ва ғояларини эркин тарғиб қилиш;

- мустақил равишда ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш услубларини аниқлаш, тизилмасини штатини, ҳодимлар сонини, иш ҳақи ва молиявий рағбатлантириш миқдори ҳамда шаклларини белгилаш;

- уюшманинг тўлиқ 100% таъсисчилигида асаларичилик билан шуғулланувчи, асаларилик маҳсулотлари, ускуналари, жиҳозлари ишлаб чиқарувчи, асал маҳсулотларини қайта ишловчи ва бошқа корхоналарни (шу жумладан лизинг корхонасини) ташкил этиш ҳамда ташкил қилинган корхоналарга таъсисчи сифатида кириш ҳуқуқига эга;

- республикада асаларичилик соҳасини тарғиб қилиш ва ривожлантириш ҳамда ўз аъзолари фаолиятини мувофиқлаштириш;

- уюшма, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлади.

4.2. **Уюшма қуйидаги мажбуриятларга эга:**

- амалдаги қонунчиликка риоя этиш;

- ўз мулки ҳамда пул маблағларининг сарфланиши ҳақидаги маълумотларни олиш имкониятини яратиш (қонун ҳужжатларида белгиланган ташкилотлар учун ҳамда белгиланган тартибларда);

- уюшмани руйхатдан ўтказувчи органга уюшма томонидан амалга ошириладиган тадбирларда қатнашиш имкониятини бериш;

- солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти бўйича ҳисоботлар тақдим этиш.

4.3. **Уюшманинг ўз аъзолари олдидаги мажбуриятлари:**

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда уюшма аъзоларининг манфаатларини ифодалаш;

- уюшма аъзолари ўртасидаги ҳамда улар билан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги юзага келган низо ва мунозараларни бартараф этишга кўмаклашиш;

- уюшма аъзоларининг иқтисодий ривожланишига, жумладан, улар томонидан етиштирилаётган, қайта ишланаётган ҳамда экспорт қилинаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларнинг тури ва сифатини оширишга, ушбу маҳсулотлар ва хизматларнинг истеъмолчиларга тарқатилишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

- уюшма аъзолари ходим ва мутахассисларининг билим ва малакаларини ошириш бўйича тадбирларни, жумладан, ўкишлар, семинарлар, учрашувлар ва бошқаларни уюштириш ҳамда амалга ошириш;

- уюшма, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кузда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

5. УЮШМАНИНГ МОЛ-МУЛКИ

5.1. Уюшманинг мол-мулклари, унинг мустақил балансидаги бинолар, иншоотлар, қурилмалар, жиҳозлар, интеллектуал мулки, пул маблағлари ва фаолиятини амалга ошириш учун лозим бўлган бошқа мол-мулклар ва мулкий ҳуқуқлар, шу жумладан интелектуал мулклардан иборат бўлиши мумкин.

5.2. Уюшма ва унинг бўлинмалари мол-мулклари қуйидаги манбалардан ташкил топади:

- уюшма аъзоларининг кириш ва аъзолик бадаллари;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкий бадаллари, ҳомийлик маблағлари ва хайриялари (хадялари);
- уюшманинг қошидаги ёки таъсисчилидаги корхона ва ташкилотлардан келиб тушган дивидендлар, пул маблағлари ва бадаллар;
- амалга оширилган ишлар ва хизматлардан келиб тушадиган маблағлар;
- қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан келиб тушадиган маблағлар;
- уюшма мулкларидан олинадиган даромадлар;
- турли маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотлардан олинадиган ҳайрия маблағлари, грантлар ҳамда улар ҳисобига олинган мол-мулклар;
- уюшма қошида ташкил этилган ўқув курсларидан келган даромадлар;
- қонунда таъқиқланмаган бошқа манбалар.

5.3. Уюшма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий мулклардан фойдаланади.

6. УЮШМА АЪЗОЛАРИ ВА УЮШМАГА АЪЗОЛИК

6.1. Уюшма Уставини тан олувчи асаларичилик соҳасига тааллуқли ва асаларичилик соҳаси билан шуғулланувчи юридик шахслар Уюшма аъзолари бўлишлари мумкин.

6.2. Уюшма аъзолигига қабул қилиш ёзма ариза асосида амалга оширилади.

6.3. Ариза қабул қилингандан бошлаб, 30 (ўттиз) кун муддат давомида Уюшма Раиси томонидан кўриб чиқилади ҳамда уюшма аъзолигига қабул қилиш ёки қабул қилмаслик бўйича хулоса билан масалани ҳал қилиш учун Уюшма аъзоларининг умумий йиғилишига йўналтирилади.

6.4. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши Уюшма Раисининг хулосасини ўрганиб чиқиб, юридик шахсни аъзоликка қабул қилиш ёки қилмаслик ҳақида қарор қабул қилади.

6.5. Уюшма аъзолигига қабул қилишда Уюшма ва мазкур (бўлажак) аъзо билан ўзаро шартнома тузилади.

6.6. Шартномада томонларнинг ўзаро мажбуриятлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аъзоликдан чиқиш ва қайта кириш шартлари, кириш ва

аъзолик бадалларининг тўлаш муддатлари, шартлари ва бошқа зарурий масалалар кўрсатилган бўлади.

6.7. Қабул қилинган ҳар бир уюшма аъзосига, у билан уюшма ўртасида шартнома тузилгандан сўнг, аъзоликни тасдиқловчи махсус гувоҳнома берилади.

6.8. Гувоҳнома Уюшма Раисининг имзоси ҳамда уюшманинг думалоқ муҳри билан тасдиқланади.

6.9. Уюшма аъзолари Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланган миқдорда кириш ва йиллик аъзолик бадали тўлаб борадилар. Кириш ва аъзолик бадалини тўлаш муддати ва шартлари шартномада белгиланади.

6.10. Уюшма аъзолари ўз аризаларига биноан ихтиёрий равишда ёки Устав талабларини бажармаган тақдирда Умумий йиғилиш қарорига биноан уюшма аъзолигидан чиқарилади.

7. УЮШМА АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Уюшма аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- уюшма раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;
- уюшма томонидан ўтказиладиган тадбирларга қатнашиш;
- уюшма аъзолари учун кўрсатиладиган хизматлардан ўзаро тенглик асосида фойдаланиш;
- уюшма аъзоларининг умумий йиғилиш олдига уюшма фаолиятига дахлдор масалалар қўйиш, таклифлар киритиш, муҳокама қилиш;
- амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

7.2. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- ўз фаолиятини уюшманинг бошқа аъзоларига нисбатан ҳурмат ва самимий рақобат шартларида амалга ошириш;
- уюшманинг вазифалари ва мажбуриятларини амалга оширишда фаол кўмаклашиш;
- уюшмага таҳлилий ишларни олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни ўз вақтида етказиб туриш;
- уюшма ташкил этган тадбирларда фаол иштирок этиш;
- ушбу Уставида ва шартнома мажбуриятида белгиланган миқдорда ва тартибда кириш ҳамда аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;
- амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа мажбуриятлар.

7.3. Уюшма аъзоларининг бошқа субъектлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан, шунингдек, уюшма аъзолари уюшманинг бошқа субъектлар олдидаги мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

8. УЮШМАНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

8.1. Уюшма раҳбар органлари қуйидагилардир:

- **Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши** – уюшманинг олий раҳбар органи бўлиб ҳисобланади;
- **Уюшма раиси** – уюшманинг якка тартибдаги ижро органи бўлиб ҳисобланади.

9. УЮШМАНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ ВА БЎЛИНМАЛАРИ

Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши:

9.1. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши бир йилда камида бир марта ўтказилади. Уюшма аъзоларининг 1/3 қисми ёки Уюшма Раиси таклифига асосан йиғилиш чақирилиши мумкин.

9.2. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши аъзоларнинг ваколатли вакилларининг 2/3 қисми қатнашган тақдирда, ваколатли бўлади.

9.3. Қарорлар йиғилиш иштирокчиларининг кўпчилик қисми ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

9.4. Ҳар бир йиғилиш учун умумий йиғилиш раиси ва котиби сайланади.

9.5. Уюшма аъзоларнинг умумий йиғилиши ваколатларига қуйидагилар киради:

- уюшма Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- уюшма фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- уюшма раиси ва унинг ўринбосарларини беш йил муддатга сайлаш;
- тафтиш комиссиясини беш йил муддатга сайлаш;
- уюшма ва унинг бўлинмалари мол-мулкини ва пул маблағлари тасарруф қилиш;
- йиллик ҳисоботларни тасдиқлаш;
- уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш;
- уюшма фаолиятига оид бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- уюшманинг штат жадвалини тасдиқлаш;
- мақсадли дастурларни молиялаштириш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- уюшманинг йиллик режалари, ҳисоботлари ва харажат сметаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш;
- уюшма раисининг рағбатлантириш ва мукофотлаш, шу жумладан устама ҳақи ва бошқа тўловларни тўлаш;
- уюшма бўлинмаларини ташкил қилиш ва уларни тугатиш, Низомларини тасдиқлаш;
- уюшма фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Уюшма раиси:

9.6. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши уюшма фаолиятига раҳбарлик қилиш учун якка тартибда ижро этувчи орган, Уюшма раисини сайлайди.

9.7. Уюшма раиси беш йил муддатга сайланади ва Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши олдида ҳисобдордир.

9.8. Йиллик ҳисобот натижаларидан келиб чиққан ҳолда уюшма раиси кейинги муддатга қайта сайланиши мумкин.

9.9. Уюшма раиси қуйидаги ваколатларга эга:

- уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорларини ижросини таъминлаш;
- уюшма фаолиятининг яқин муддатдаги йўналишларини белгилаш;
- уюшма молиявий ва хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилади;
- уюшманинг жорий молиявий ва хўжалик фаолиятига тааллуқли харажатларини амалга ошириш;
- уюшма номидан ҳужжатларни имзолаш;
- банкларда ҳисоб рақамларини очиш;
- уюшма ходимлари ва бўлинма раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;
- уюшма номидан ишончномасиз иш юритиш;
- уюшма бухгалтерлик, тезкор ва статистик ҳисоботларини юритишни ташкиллаштириш;
- умумий йиғилиш тасдиқлаб берган смета доирасида ходимларни рағбатлантириш ва мукофотлаш, шу жумладан устама ҳақлари ва бошқа тўловлар тўлаш;
- уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши ваколатларига кирмаган, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

9.10. Уюшма тузилмасига унинг ҳудудий бўлинмалари киради. Бўлинмаларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш умумий йиғилиш қарорига асосан амалга оширилади. Бўлинмалар қонун хужжатларига мувофиқ мол-мулкка эга бўлиши ва тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларига мувофиқ уюшманинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш ва бошқа ҳуқуқларга эга бўлади. Бўлинмалар қонун ҳужжатларига риоя қилиш, уюшма раҳбар органлари қарорларини бажариш ва бошқа мажбуриятларга эга бўлади. Бўлинмаларни ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқлари, уларнинг раҳбар органлари бўйича батафсил қоидалар бўлинмалар низомида белгиланади.

10. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

10.1. Уюшманинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назоратни тафтиш комиссияси амалга оширади.

10.2. Тафтиш комиссияси Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши томонидан уч кишидан иборат таркибда, беш йил муддатга сайланади.

10.3. тафтиш комиссиясининг тўла таркибини ва айрим аъзоларини муддатидан олдин қайта сайлаши мумкин.

10.4. Тафтиш комиссияси ўтказилган текширувлар натижаси ҳақида ҳар йилги умумий йиғилишга ҳисобот беради.

10.5. Йиллик текширув натижалари ҳисоботи умумий йиғилишдан камида ўн кун олдин тайёрланиши керак.

10.6. Тафтиш комиссияси ҳисоботи барча аъзолари имзолайдиган баённома билан расмийлаштирилади.

10.7. Тафтиш комиссияси томонидан текширувлар Уюшма аъзолари умумий йиғилиши топшириғига кўра бир йилда бир марта ўтказилади.

10.8. Уюшманинг молиявий хўжалик фаолиятини текшириш шартнома асосида, аудиторлик ташкилотлари орқали ўтказилиши ҳам мумкин.

10.9. Тафтиш комиссияси аъзолари уюшманинг молиявий хўжалик фаолиятига боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

11. УЮШМА УСТАВИГА ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ

11.1. Уюшма Уставига тегишли ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар киритиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Уюшманинг олий бошқарув органи – **Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши** томонидан амалга оширилади.

11.2. Уюшма Уставига ўзгартириш ва/ёки қўшимча киритилган тақдирда, бир ой муддат ичида уюшма Устави Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказилиши лозим.

12. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

12.1. Уюшма қуйидаги ҳолларда тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши мумкин:

- Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши қарорига асосан;
- қонунда белгиланган тартибда, суд қарорига асосан;

12.2. Уюшма қайта ташкил қилиниши уюшма ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг ҳуқуқий ворисларига ўтишига олиб келади.

12.3. Уюшма тугатилганда, унинг кредиторлари билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан кейин қоладиган мол-мулклари уюшма муассислари ва мансабдор шахслар ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Бу мол-мулклар уюшма Уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Уюшма раиси: **Ш.Р.Суяркулов**

Рақамланган ва тикилган
10 (ўн) варақ.

Ўзбекистон асаларичилари
уюшмаси раиси
Ш.Р.Суяркулов